

ISSN: 2545-0573

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ОБИД КЕТМОН” ҚИССАСИДА КОЛХОЗ МАВЗУСИ ВА УНИНГ СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ АДАБИЙ МЕТОДИГА ХОСЛИГИ

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич

*Инглиз адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси Бухоро Давлат университети
Ўзбекистон, Бухоро*

ARTICLE INFO.

Калит Сўзлар:

социалистик реализм, адабий
метод, коллективлаштириш даври,
колхоз мавзуси

Аннотация:

Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссасидаги давр руҳи, ундаги воқеалар ва хўжалик масалалари ўрганилган. “Обид кетмон” қиссаси социалистик реализм адабий методига мослиги ва қайси жиҳатдан ундан фарқ қилиши таҳлил қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссаси қайси жиҳатдан социалистик реализм адабий методига мос ва қайси жиҳатдан ундан фарқ қилишини қуйидаги жадвалда кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

“Обид кетмон” қиссасида социалистик реализмда урф бўлган ҳамда унга хос бўлмаган ҳолатлар

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМДА УРФ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР	СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ УЧУН НООДАТИЙ ҲОЛАТЛАР
Ишчи-деҳқон бирлигини тасвирлаш	Раҳбарнинг очиқчасига намозхон бўлиши мумкинлиги
Демократик централизм тамойилларининг кузатилиши	Диндорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва даҳрийликни тарғиб этмаслик
Демократик марказлаштириш тамойилларига амал қилиниши	Ўрта ҳол деҳқоннинг бош қаҳрамон даражасига кўтарилиши
Коллективлаштиришнинг ўша давр учун энг муҳим жараён сифатида берилиши	
Компартиянинг ҳамма ишда етакчилиги	

Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссасига бевосита ўз илмий ишимиз мавзуси доирасида, яъни унда натурализм хусусиятларининг бор-йўқлигини ўрганиш нуқтаи назаридан ёндашсак, унда натурализмга хос жиҳатлар йўқлигини кузатдик. Бу асар шўролар ҳакумати даврида, барча қардош халқлар адабиётига хос бўлганидек, социалистик реализм методида ижод этилган.


Л.И.Тимофеев социалистик реализм тушунчаси 1930- йилларнинг бошида пайдо бўлганини ва бу атама биринчи марта “Литературная газета”нинг 1932 йил 23 май сонида қўлланганини эътироф этади.¹

Умнат Тўйчиевнинг қайд этишича: “Социалистик реализмнинг белгилари адабиётда реализмнинг муайян даражада чекланиб қолишига, юзакилик, схематизм келиб чиқишига, мода туғилишига, миллийликнинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан камситилишига, халқнинг миллий анъаналари, миллий қадриятлари, диний-руҳий одатлари оёқости қилинишига олиб борди. Халқ тарихи, тарихий обидалари, ҳарбий, сиёсий шуҳрати таъқиқланди.²

Аммо “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализм асарларига хос бўлган коммунистик партияни, шўролар ҳукуматини, социалистик ватанни мадҳ этиш, халқнинг миллий анъаналарини, диний-руҳий одатларини оёқости қилиш жиҳатлари кузатилмайди. Унда коллективлаштириш даврига янгича нуқтаи назардан, ёзувчи учун хавfli бўлса ҳам, реал ҳаёт нуқтаи назаридан ёндашилган.

Шуниси эътиборлики, ёзувчининг коллективлаштириш соҳасига ўзгача қарашлари, ҳозирги даврда, яъни асар ёзилган даврдан 90 йилга яқин вақт ўтгандан кейин ҳаётга жорий қилинди, бунга мисол тарзида ҳозирги даврда қишлоқ ҳаётида фермер хўжаликларга, яқка хўжаликларга кенг йўл очилганини, динга эътиборни кўрсатиш мумкин. Бу ҳам Абдулла Қодирийнинг ўз вақтида нақадар илғор фикрларга эга бўлганини, нодир жасорат соҳиби бўлганини далиллайди.

Абдулла Қодирийнинг уч йирик асари: “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қиссасини ўрганиб, бу уч асардан фақатгина “Ўткан кунлар” романида натурализм хусусиятлари мавжудлигини кузатдик. Абдулла Қодирий том маънодаги реалист ёзувчи бўлиб, унинг ушбу уч асари реализмнинг уч кўринишида ижод этилган. “Меҳробдан чаён” романи танқидий реализм ижодий методининг нодир намунаси бўлса, “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализм хусусиятлари кузатилади:



¹Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976. –С.418.

²Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. –Б.356

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қодирий, Абдулла. Обид кетмон (колхоз ҳаётидан қисса). -Toshkent: Ўздавдашр, 1959. – 144 б.
2. Қодирий, Абдулла. Обид кетмон: қисса. Абдулла Қодирий. - Т.: Info Capital Group, 2017. - 536 б.
3. Қодирий, Абдулла. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ,2018.–880 б.
4. Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Мангуликка дахлдор адиб. (Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан) –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. –б.100.
5. Норматов У. Қодирийнинг сўнги илтижоси (Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари) - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. - 64 б.
6. Sayfulloyevich O. U. Naturalistic Features In Abdulla Qodiriy's" Bygone Days" //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 28. – №. 2. – С. 333-337.
7. Ochilov U. S. NATURALISTIC IMAGES IN THE NOVEL “SISTER CARRIE” BY THE AMERICAN WRITER THEODORE DREISER //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 3. – С. 179-183.
8. Ochilov U. Criteria for defining the levels of knowledge, skills and forms of harmony science //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
9. Ochilov U. AQSH va ozbek adabiyotshunosligida naturalizm adabiy oqimiga munosabat //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
10. Ochilov U. Teodor Drayzerning" Baxti Qaro Kerri" asaridagi takrorlar tasnifi va ularning matnda bajargan vazifasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
11. Ochilov U. Teodor Drayzerning" Amerika fojiasi" romani-Naturalizm ijodiy metodining yorqin namunasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.